

Леонардо да Винчи

Адолат

— Бу дунёда адолат йўқ ! – норози оҳангда чийиллабди мўъжиза туфайлигина латчанинг ўткир панжаларидан зўрға қутилиб қолган сичқонча.

— Ёлғонга чидаймай кўр-чи! – жаҳл билан қичқириб юборибди мушукдан кўрқиб, кавагига яшириниб олган латча.

— Бу тақдирдан қочиб бўлмайди! – миёвлади мушук ва баланд деворга чиқиб олди-да, хавотирли кўзлари билан ҳовлида айланиб юрган кўппакка қараб-қараб қўйди.

— Дўстларим, тинчланинг! – деди донишманд бойқуш деҳқон ҳовлисида тўрда ўтирган кўйи. – Наҳотки ҳаёт фақат нолишдан иборат бўлса? Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз улуши ва ҳиссаси бор. Адолат фақат бир кишига тааллуқли ва биттага боғлиқ бўлмайди.

Унинг сўзларини тинглаб, сичқонча уясидан бошини кўтариб, ташқарига қаради, латча кавагидан бурнини чиқарди, мушук деворга яхшироқ ўтириб олди, кўппак эса орқа оёқларига чўзилиб ётди.

— Адолат, — давом этди бойқуш, — табиатнинг олий қонуни. У ерда яшаётган жамики жонзодлар ўртасида одилона келишув муҳитини яратади. Бу доно қонун бор эканки, ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва ҳатто ҳашоротлар бир – бири билан келишиб яшайдилар. Қаранглар, асаларилар қандай инок яшашади, биргаликда меҳнат қилишади.

Бойқуш ҳақ эди. Асаларилар оиласида она асалари бошчилик қилади. У ишни ҳаммага бирдай бўлиб беради, уларни назорат қилади. Ҳар бир ари қўлидан келадиган ишни бажаради. Бир гуруҳ ариларнинг гулдан шарбат терадилар, бошқалари – мумли асал йиғадилар, бирлари арихонани кўриқлайдилар, арихонага яқинлашган хира ва тукли ариларни қувадилар. Санитар арилар тозаликни сақлайдилар, она арининг шахсий кўриқчилари ундан бир зум ҳам айрилмайдилар. Она асалари қариб қолса, энг кучли асаларилар уни авайлабгина кўтариб, табиб асаларилар олдига олиб боришади. Улар уни меҳр билан даволашади. Бирон-бир асалари ўзига юклатилган вазифани уддаламаса ё ундан бош тортса, уни муқаррар жазо кутади.

Табиатда ҳамма нарса ақл билан жой – жойига қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши лозим. Ҳар ким қўлидан келган ишни қилсагина, ҳамма жойда адолат барқарор топади. Ҳаётнинг энг олий ҳақиқати мана шу доноликда мужассам.

Ойгул Суюндиқова таржимаси